

“Агробанк” АТБ  
Бошқаруви йиғилишининг  
2017 йил “21” апрел даги  
2612 - сонли қарорига -илова

Ходимлар билан ишлаш департаментининг  
**НИЗОМИ**

## 1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, банк Устави ва банкнинг “Банк тизимида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш тўғрисидаги Низом” ва “Банкнинг таркибий тузилмалари низомлари ва лавозим мажбуриятларини ишлаб чиқиш юзасидан Йўриқномаси”га мувофиқ Ходимлар билан ишлаш департаментининг таркибий тузилиши, вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Ходимлар билан ишлаш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) банкнинг мустақил таркибий тузилмаси бўлиб, бевосита Бошқарув раисига бўйсунди.

3. Департамент ўз фаолиятини Марказий аппаратнинг таркибий тузилмалари билан ўзаро ҳамжиҳатликда ташкил этади.

4. Департаментнинг тасарруфида қуйидаги тузилмалар фаолият кўрсатади:

1). Филиаллар ходимлари билан ишлаш бошқармаси:

а) Раҳбар ходимлар билан ишлаш бўлими;

б) Филиал ходимлари билан ишлаш бўлими;

в) Захира таркиби билан ишлаш бўлими;

2). Марказий аппарат ходимлари билан ишлаш бўлими.

5. Департаментнинг таркибий тузилмаси ва штат жадвали банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади. Департамент ходимларининг лавозим мажбуриятлари мазкур Низомга илова қилинади.

6. Департамент бошлиғи банк Бошқаруви раиси томонидан тайинланади.

7. Департамент ўз номи ёзилган муҳрга эга.

8. Департаментда иш юритиш банк тизимида ўринатилган иш юритиш тартибига асосан амалга оширилади.

## 2. Вазифалари ва функциялари

9. Департамент:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сонли Қарори ижроси юзасидан тармоқ ва соҳага тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Ҳукумат қарор ва топшириқлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни ўз вақтида самарали ижро этилиши ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлайди;

б) тегишлилиги бўйича келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва уларга сифатли жавоб берилишини таъминлаш каби вазифаларни бажаради.

10. Департаментнинг асосий мақсади – банк персоналани юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бу борада ходимларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш, хизмат мартабасини

Agrobank Ўзбекистон Республикаси  
Metodologiya bo'limi 2  
351 raqam bilan ro'yxatga olindi  
2017 yil 21. aprel  
imzo



ўстириш, захира таркиби билан ишлаш, ходимлар таркиби, кўнимсизлиги ҳамда ходимларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш, ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш орқали масъулиятини ошириш, шунингдек тизимда ишлаётган барча тоифадаги ходимларнинг мониторингини юритиш каби вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

11. Ушбу вазифаларни бажариш учун Департамент:

а) ходимлар сифат таркибини таҳлил қилиб, улар сафини ёш, билимли ходимлар билан янгилаб боради, иқтидорли ёшларга эътибор қаратиб, уларни лавозим погоналарида босқичма-босқич кўтариш, ходимларнинг малакасини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида ротация қилиш ишларини олиб боради;

б) банк тизимига янги ишга қабул қилинган ходимларда касбий кўникмаларни шакллантириш, зарур билим ва малакаларга эга бўлишларини таъминлаш мақсадида Марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар ва филиаллар томонидан уларга мураббийлар бириктирилишини ва мураббийлар томонидан қилинган ишларни назорат қилиб боради;

в) банкнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Марказий аппарат таркибий тузилмалари билан биргаликда бўш лавозимларга муносиб номзодларни танлаш учун ходимларнинг ишбилармонлик қобилиятини ўрганиш, уларнинг мутахассислиги ва ишчанлигини ҳисобга олган ҳолда янги вазифага тайинлаш ҳамда зарур ҳолларда ишдан бўшатиш ҳақида банк Бошқарувига таклифлар киритади;

г) банкнинг “Касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссияси” ишини ташкил этади ва юритади;

д) Марказий аппарат таркибий тузилмалари, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ва филиаллар бошқарувчилари билан биргаликда раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун ходимлар захираси таркибини шакллантириб, ундан самарали фойдаланишни ташкил этади;

е) ходимлар билан ишлаш хизматининг аҳволи ҳақида умумлашган ҳисоботлар тайёрлаб, Бошқарув муҳокамасига тақдим этади;

ё) жамоада ижобий фаоллик ва ташаббускорлик муҳитини яратади, маънавиятни юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни ўтказишда иштирок этади;

ж) банкнинг таркибий тузилиши ва штатини мақбуллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

з) банк ходимларининг касбий билим даражасини ҳолисона баҳолаш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳамда топширилган вазифаларни бажаришда ва банк тизимидаги ислохотларни амалга оширишда уларнинг масъулиятини ошириш, лавозим вазифаларини ўз вақтида аниқ, пухта, виждонан

“Agrobank” aksiyadorlik tijorat banki  
Metodologiya bo'limi  
351 raqam bilan ro'yxatga olindi  
20 17 yil 21 - aprel  
imzo



бажаришини ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини аниқлаш мақсадида аттестация ўтказилишини ташкил қилади;

и) банк Бошқаруви қарорларини ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлайди;

й) ўз фаолиятига тегишли хатларнинг ижросини таъминлайди;

к) меҳнат низоларининг олдини олиш чораларини кўради;

л) рағбатлантириш ёки жазолаш, юқори лавозимларга кўтариш, шунингдек ишдан бўшатиш ҳақидаги тақдимномалар (билдиришномалар)ни кўриб чиқади ва Бошқарувга таклифлар киритади;

м) банк тизимида ходимлар билан ишлаш хизматида доир семинарлар ташкил этади.

12. Департамент ўз зиммасига юклатилган вазифаларни Марказий аппаратнинг таркибий тузилмалари, республикадаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

13. Департаментнинг вазифалари ва функциялари унинг таркибидаги бошқарма ҳамда бўлимлар томонидан қуйидагича бажарилади:

**Филiaalлар ходимлари билан ишлаш бошқармасининг Раҳбар ходимлар билан ишлаш бўлими:**

а) тасарруфига кирувчи масалалар бўйича таклифларни Департамент бошлиғига киритади;

б) Марказий банк ва Агробанк номенклатурасига кирувчи раҳбарлик лавозимларга номзодларни танлайди ва ўрганади;

в) Марказий банк номенклатурасига кирувчи раҳбарлик лавозимларга тавсия этилаётган номзодларнинг хужжатларини тайёрлайди ҳамда Марказий банкнинг “Касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссияси”га тақдим этади;

г) Марказий банк ва Агробанк номенклатурасига кирувчи лавозимларга ходимларни тайинлаш бўйича шахсий таркибга оид буйруқ лойиҳаларини тайёрлайди;

д) Худудий бошқармалар бошлиқларининг меҳнат таътили жадвали ҳамда меҳнат таътиллари бўйича буйруқ лойиҳаларини тайёрлайди;

е) Худудий бошқармалар бошлиқларининг меҳнат дафтарчаларини, Т-2 шаклидаги шахсий варақаларини юритади ва ундаги ёзувлар билан таништириб боради;

ё) янги тайинланган раҳбар ходимларга бириктирилган мураббийларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

“Agrobank” aksiyadorlik tijorat banki  
Metodologiya bo'limi  
351 raqam bilan ro'yxatga olindi  
2017 yil 21. aprel  
imzo

- ж) раҳбар ходимлар мониторингини юритади;
- з) Марказий банк ва Агробанк номенклатурасига кирувчи раҳбар ходимларнинг шахсий йиғмажилдлари тўғри юритилишини таъминлайди;
- и) Марказий банк томонидан ўтказиладиган раҳбар ходимлар аттестацияси билан боғлиқ барча ҳужжатларни тайёрлайди;
- й) Марказий банк томонидан ўтказилган аттестацияда эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган, Марказий банкнинг “Касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссияси” томонидан тавсия этилган лавозимига мувофиқ эмас деб топилган ходимларнинг мониторингини юритади;
- к) Марказий банк номенклатурасига кирувчи раҳбар лавозимга тайинланадиган ҳар бир ходимга меҳнат шартномаси, лавозим мажбуриятлари, моддий жавобгарлик, банк сири ва бошқа тегишли шартномаларни расмийлаштиради; шунингдек, ходимни амалдаги “Жамоа шартномаси”, “Банк ички меҳнат тартиби қоидалари” ҳамда банк тизимида қабул қилинган ахлоқ-одоб меъёрлари билан таништиради;